

ТОНГ ЮЛДУЗИ

№ 18
(6580)

Тини, 1994 йил
Сешанба
Соғувда эркин
наҳда.

Ўзбекистон болалари ва ёшларининг газетаси

"Тонг юлдузи" — тўй арафасида

Қадрли болалар! Сиз учун, бир неча йиллар аввал ота-онангиз, ака-опаларингиз учун севимли ва қадрли бўлган "Тонг юлдузи" газетаси бу йил ўзининг 65 йиллигини нишонлайди. У 1992 йилга қадар "Ленин учкунни" номи билан юритилган. Бу сана — сиз ўқувчи газетхон учун ҳам, биз муҳарририят ходимлари учун ҳам улғу тўйдир. Тўй арафасида ўтган давр ичида қилинган ишларга бир назар ташлаш, уларни сарҳисоб қилиш ва бизнинг қадрдон ўқувчиларимиз билан янги қилинажак ишларни режалаштириб олиш ниятидамыз. Шу сабаб муҳарририят ходимлари юбилей шарафига бир қатор тадбирлар белгилаб қўйган. Қутлуғ кунга қадар газетамиз саҳифаларида ўз қаламини шу ерда чархлаган истеъдодли журналистлар, шоиру ёзувчилар, олиму фузалолар билан бўлган суҳбатларимизни, уларнинг хотираларини, газета учун тер тўккан ажиб инсонлар ҳақида, тарихий мақола ва хабарларнинг ёзилиш тафсилотларидан ўқиб борасиз.

2-бетга қараңыз

Болалар орзиқиб кутаётган ёз фасли ҳам келди. Ўқувчиларнинг таътил кунлари ҳам шу гўзал фаслга тўғри келган. Шу сабаб унинг кўнгилдагидек, яхши ўтиши кўп жиҳатдан катталарга боғлиқ. Сўлим оромгоҳларни, соғломлаштириш масканларини ёзги мавсумга тайёрлаш учун тегишли ташкилот ва муассасалар баҳордан бошлаб ҳаракат қила бошлайдилар. Шу кунларда эса бу масканлар болаларнинг серзавқ, қувноқ овозлари билан тўлмоқда.

Биз болалар орзиқиб кутган ёзги мавсумга бу йилги тайёргарлик қай даражада эканлиги, оромгоҳларнинг йўлланма нархларини билиш мақсадида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ходими М. Ю. ШУКУРОВАга мурожаат қилдик.

Ҳар қандай иқтисодий ўзгаришлар даврида ҳам болаларнинг кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришлари учун ҳаракат қиламиз. Чунки уларнинг соғлом, баркамол вояга етишлари биз катталарнинг умумий вазифамиздир. Ўтган йилда ҳам Федерация, барча тегишли ташкилотлар ёзги мавсумга жиддий тайёргарчилик кўришди. Ёз давомида 104та санатория типидagi, 382 та шаҳардан ташқари, 23 та соғломлаштириш-спорт лагерлари, 2849 та мактаб олди лагерлар — жами 3648 болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолият кўрсатди. Уларга тарқатилган йўлланмаларнинг 50 фоизи етим болаларга, болалар уйлари ва мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, шароити оғир оилалар болаларига бепул берилди. Оролбўйи зонасидаги 6500 нафар болалар Тошкент шаҳри ва вилояти, Бухоро вилоятидаги оромгоҳларда дам олишди.

Болаларнинг яхши дам олишларини ташкил этишда барча вилоят ҳокимиятлари ҳам кенг кўламда кўмаклашиб бордилар. Қашқадарёда оромгоҳларнинг таъмири

МАВСУМГА ТАЙЁРМИЗ

учун маҳаллий маблағдан пул ажратилган бўлса, Андижон, Жиззах, Фарғона, Бухоро вилоятларида болаларни оромгоҳларга олиб бориш учун имтиёзли автотранспортлар ташкил этилди. Озиқ-овқатларнинг нархи бир неча бор ошиб борганлигига қарамай кўпчилик вилоятларда соғломлаштириш оромгоҳлари энг арзон нарҳдаги озиқ-овқатлар билан таъминланиб турилди.

Бу йилги ёзги мавсумга тайёргарлик ҳам қизғин олиб борилди. 1994 йилнинг ёз ойларида 600 000 яқин болаларнинг кўнгилдагидек дам олишлари режалаштирилмоқда. Бунинг учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши 80 млрд. 500 млн сўм пул ажратган. Бугунга қадар бу маблағ соғломлаштириш оромгоҳлари учун, озиқ-овқат, тиббий ердан учун сарфланмоқда.

Ўтган йилги ёз мавсумидан буён

нарх-наволарнинг ошганлиги сабаб йўлланмалар нархи ҳам ошиб кетди. Аммо шуни таъкидлаб ўтиш керакки, йўлланма нархи қанчалик ошганига қарамай ота-оналар уларнинг ҳар йилгидек 10 фоизинигина тўлайдилар. Қолган миқдорини касаба уюшмалари ўз зиммасига олади.

Ёз мавсуми учун ажратилган йўлланмаларнинг 50 фоизи ҳар йилдагидек кўп болали, кам таъминланган оилалар фарзандларига, етимлар, болалар уйлари, мактаб-интернат тарбияланувчиларига

берилади.

Қорақалпоғистон, Хоразм вилоятидан 6,5 минг нафар болалар Тошкент вилояти оромгоҳларида дам оладилар.

Республика бўйича мавсум давомида 3,5 минг нафар соғломлаштириш оромгоҳларининг иш олиб бориши мўлжалланган. Санатория типидagi, соғломлаштириш-спорт, шаҳардан ташқари, мактаб олди лагерларидан ташқари, саккиз вилоятдаги 33 та соғломлаштириш оромгоҳлари тиббий услубдаги оромгоҳларга айлантирилади. Бу ерда 24 900 нафар боланинг дам олиши режалаштирилган бўлиб, улар мавсум давомида ҳордиқ чиқариш билан бирга нафас олиш, овқат ҳазм қилиш органлари, юрак-томир касалликларини олдини олиш борасидаги муолажаларни ҳам қабул қилиб борадилар.

Д. ТУРАХМЕТОВА ёзиб олди.



Ёз фасли болалар учун фаслларнинг энг зўри!

Кўёш она заминни бор тафти ила қиздиришга улгурмасиданоқ болажонларни анҳорларда, чўмилиш ҳавзаларида, фаввораларда учратамиз. Рост-да, уларга маза! Шодон қичқариб, бир-бирларини сувга пишиб чўмилишади. Болаларга боқиб, беихтиёр жилмаясиз. Қалбларидаги шодлик сизнинг ҳам дилингизга кўчгандек бўлади.


Ҳар тонг улар учун

Эҳ,
ЧўМИЛИШ
МАЗАДА!



таътилниг Хуршид,
такрорланмас завқу Жамшид,
шавқини, қувончини Улуғбек,
улашади. Кутубхона, Дониёр ва
чўмилиш ҳавзалари, Санжарлар
оромгоҳлар уларни ўз учун бу
бағрига тортади. йилги

Таътилниг завқи ҳам таътил
шу — бундай фойдали кўнгилда-
ишлар учун вақт кўп. гидек

Шаҳримиздаги бошланди. Фанлардан бўлган барча синовлардан
12-мактабанин 6-синф муваффақиятли ўтишди. Энди бу ёғи, мана кўриб
ўқувчилари Дилшод турганингиздек...



Р. АЛЬБЕКОВ суратга туширган.



Остонаси ҳалол "Тонг юлдузи" бор экан, у нашр қилиниб турар экан, ҳеч қачон марҳумларнинг чироқлари бу муҳарририят хоналарида ўчмайди. Чунки улар болалик дунёсини бу остонага қолдириб кетди.

"БОШЛАНҒИЧ ТАФАККУР
МАКТАБИ"

2-бет

Булар фақат тур-кистонликлар қўлидан келадиган мўъжизалар эди. Бундан-да кўнгилни хурсанд қиладиган томони уларни ўсмирлар ясагган.

"ХУНАРНИ АСРАБОН
НЕТКУМДИР ОХИР"

3-бет



"Тонг юлдузи" нинг 65 йиллигига

СИЗ ҚЎЛИНГИЗДА УШЛАБ турган газетининг қирқ йиллик тўйи кўз ўнгимда. У 1969 йили ҳозирги ешлар театри (Хамза театри) бивосида ўтди. Бу ҳашаматли бино зали ҳаш-паш деганча тўлди-қолди. Ёзувчилар, илм эгалари, бошқа рўзнама вакиллари, муҳими, болалар матбуотида бир кун ишлаб кетган ходим бўлса-да, йўлини, узоқлигини ҳисобга олмай, ўз газетам тўйи деб етиб келди. Бош муҳарриримиз Сухроб Йўлдошев биз ёш ходимларга ҳар хил вазифа беришдан қатъий назар, ҳар биримиз биздан олдин бу муҳарририятда ишлаб кетганларга ҳайрату ҳавас билан қараймиз. Шуларга ўхшармиканман, деган ўй ҳам йўқ эмасди.

Гап шундаки, таниган ҳамкасбларимиз билан иззату-икромини жойига қўйиб сўрашамиз. Танимаганимизга анқайиб қараб, Ҳотам Қирғизбоев (эл орасида Ҳотам Қирғиз номи билан машҳур) қайси деб бир-биримизни туртамыз. Кўрган-билганлардан сўраб-суриштирамиз.

Бунчалик қизиқишимизга сабаб, Ҳотам ака — биринчи муҳаррир. "Тонг юлдузи" деб сиз ўрганиб қолган газетанинг биринчи эшигини очганлардан. Ҳотам Қирғизни кўриш бизга насиб этмади. Аслида эса биринчи тақлифномамиз у кишига жўнатилган эди. Шундан кейин Ҳотам ака тақдир билан қизиқиб қолдим. У ўша йилларда, адашмасам, Наманганнинг Уйчи тумани газетасида хатлар бўлими бошлиғи бўлиб ишларди. Буни ҳам менга шoir дўстим Ҳабиб Саъдулла айтди. Кейин мен Ҳотам Қирғиз киефасини ўзимча яратдим. Ҳотам Қирғиз бугун халқ қалбига номи кўчган шoir Усмон Носирнинг энг яқин сирдоши, дўсти бўлган. Кўп сархушликларни, кўп сир-синаотларни бошидан кечирган. Бу икки дўстнинг ўттизинчи йиллардаги ҳаёти ҳақида кўп воқеабанд ривоятлар бор. Аниқроғи, бор эди. Афсус, қозоғга тушмади. Билгичлар, бирга бўлганлар орасида кетди. Нега бу гапларни айтаялман. Агар бўлиб ўтган воқеалар қозоғга тушганида Усмон Носир шахсига оид чала-чулла фикрлар янада ойдинлашарди.

Ҳотам ака бош муҳаррир бўлишдан ташқари, билимдон, ўта ҳазилкаш, қўли очик одам бўлган. Ёзиб-чизишда ҳам баъзи қаламкашлардан кам бўлмаган. Газетада икки-уч йил муҳаррир бўлгач, Наманганга кетган. Билмадим, ҳозирги кунда Наманган вилоятида Ҳотам Қирғиз номи билан боғлиқ бирор гўша борми-йўқми. Йўқ бўлса, болалар газетининг асосчиси бўлмиш у киши хотирасини эслаб қўйиш пайти келди. Ният шуки, асли қадимги номи "Ленин учқуни"да ишлаб кетганларнинг бирортасининг номи эсдан чиқмасин.

Алгов-далговли ўттизинчи йилларда муҳаррирлик қилганлардан яна бири — Йўлдош Шамшаровдир. Йўлдош ака ўша тўйда

лўмиллаб юриб, эски қадрдонларини йиғиб хотира учун суратга тушди. Болаларча қувониб ҳаракат қилди. У киши катта очеркчи-ёзувчи эди. Унинг "Гурумсаройликлар" деган ҳужжатли киссаси, эл назарига тушган "Чирок" романи кутубхоналарда бор. У ёзувчи Турғенев асарларини ўрисчадан ўзбекчага мохирона таржима қилган. Шу ўринда болалар шoirи Зафар Диёрнинг номини тилга олмасам кўнглим жойига тушмайди. Бу ном болалар шеърятининг устун сифатида алоҳида эътибор талаб қилади. Зафар Диёр ўттизинчи

тенгдоши ҳақида хотира езиш насиб этмасин. Ёзувчи Уктам Усмонов билан газетада мен тенгилар деярли кетма-кет ишладик. Уктам анчайин ўзини яхши кўрадиган йигит эди. Кейин у билан Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида бирга хизмат қилдик. Уктам котиб, мен адабий маслаҳатчи. Жуда қалами бақувват ёзувчи эди. Биз ўзимизни "учқунчилар" деб атардик. Бирга ишлашимиздан фахрланардик. Уктам Усмоновнинг бизга "Баҳор чакмоқлари", "Гирдоб" каби кисса романи, даста-даста хикоялари мерос бўлиб қолди.

Сафимизни тарқ этиб кетган муҳаррирлар, ходимлар умр бўйи шу газетада ишламаган

Ўйлаб қарасак, у биздаги ортиқча танбалликни, йигитта епишмайдиган қилигимизни йўқотиш учун терғар экан. Бу олай ҳам бутун умрини шу газетага бағишлади. Ўша терғарган укалари бугун юртга танилганини кўролмади.

Мен барчани номма-ном тилга олиш учун қалам олмадим. Навбат билан бошқа дўстларим мен бошлаган рўйхатни тўлдирди. Беозор халқимизда унинг ёққан чироклари ўчмайди, деган гап бор... Ҳозир барчамиз янги тузумда, мен тилга олган зотлар орзу қилган мустақил республика бағрида яшаймиз. Аммо ўтганларни эсламасак, ким бўлишимиздан қатъий назар эртага тик қаролмаймиз. Фарзандлари бор экан, аввало ўтганларнинг чироғи ўчмайди. Яратган, эзган асарлари саҳифаларда номлари яшайди.

Хотирагизда қолсин. Газета чиққан кундан бошлаб, то шу кунгача бу муҳарририятда ўнлаб шoir, ёзувчи, журналистлар ишлаган. Мен улардан айримлар ҳақида маълумот бердим, холос. Ундан-да аҳамиятлиси — бу ходимлар яратган "Тонг юлдузи" ("Ленин учқуни") сон-саноксиз олиму фозилларни камол топишида бошланғич тафаккур мактаби бўлган.

ОСТОНАСИ ҲАЛИОЛ "Тонг юлдузи" бор экан, у нашр қилиниб турар экан, ҳеч қачон марҳумларнинг чироклари бу муҳарририят хоналарида ўчмайди. Чунки улар болалик дунесини бу остонага қолдириб кетди. Болалик эса сира сўнмайди. Мен уларнинг руҳи-поклари олдида бир умр таъзим қилишни сира қанда қилмайман. Негаки, улар яратган мактабнинг талабалариданман.

Сафар БАРНОЕВ.

БОШЛАНҒИЧ ТАФАККУР МАКТАБИ

йилларда ёш қаламкашларга катта ҳомийлик қилган. Газетада бўлим бошлиғи бўлган. Унинг номи билан мактаблар, болалар боғларининг аталиши бежиз эмас.

ТАРИХГА НАЗАР ташласангиз, уруш йилларида сизнинг (бизнинг) бу газетамиз анча вақт чиқмай қолди. Уруш тугагач, яна нашр этила бошлади. Буёғини ажойиб муҳаррир Гани Жаҳонгиров давом эттирди.

Гани ака меҳрибон шахс эди. Муҳаррирлигини қўяверинг. Йил этган истеъдодни кўрса, Гани ака еб турган нонини ҳам ўшанга берарди. Жонини, имкониятини аямасди. Сизга айтсам, Гани акага ўхшаган инсон бу дунёга кам келади. Шубҳа қилсангиз, қолган гапни Абдулла Ориповдан сўранг. Абдулла шoir Гани ака вафотида эзган таъзияномасида икки марта "жойингиз жаннатдан бўлсин, жойингиз жаннатдан бўлсин" деб бекорга илтижо қилмади...

Гани ака билан ишлаган, дўст ту-тинганлардан бири Султон Қўқонбеков эди. Султон ака дум-думалоқдан келган тўпори, дарвешсифат одам эди. "Шабодалар" деган қўшиқни эшитсангиз, албатта Султон Қўқонбековни эсланг. Бу қўшиқни Эргаш Йўлдошев деган катта санъаткоримиз ижро этган. Тасаввурингизни бойитиш учун демокчи бўлганим, эски Шўро тузумида Никита Хрущев деган фирқабоши ўтган. Ана ўша иложи бўлса бутун ер юзига жўхори экинг, деб, жўхорини эктирмаган жойи қолмади. Султон ака бўлса шунга жавобан "Жўхори полвон" деган дoston эди. Шундан бўлса керак, тенгқурлари унга жўхори полвон деб ҳазиллашарди. Султон ака болаларга, катталарга баравар ижод қилганлардан эди.

ОМИ ТИЛГА олганларимнинг бири менга устоз, бири ака, яна бири оддий суҳбатдош. Аммо ҳеч кимга ўз

бўлса-да, илк қадами шу даргоҳга қўйилганини сира эсдан чиқарманг. Мен ишлаган йилларда Зифо Шамсуддинова деган ходим ҳақида ҳам кўп гапирардик. Айниқса Галаба кuni кўпроқ тилга олишардик. Шундан билса бўладики, бу опамиз урушда ҳалок бўлган.

Қаламкашу журналист матбуотни ўз бешигим деб билади. Бироқ мен учун бу даргоҳда яна битта олай азиз эди. У эсамди. Қиладиган иши келган хату-хабарларни рўйхатга олиш. Бизнинг йўғу борлигимизни муҳаррирга етказиш, ҳуда-беҳуда қилиқ қилсак, терғашдан иборат эди. Бу олай Шўра Рамазонова бўлиб, биз уни Шўра опа дердик. Бу аёл шунчалик батартиб эдики, биз ундан ҳамма ишни ўз вақтида бажаришни ўргандик.



Бу йилги ёзги таътил ўзбекистонлик ўқувчилар учун унутилмас бир байрам билан бошланди. Мамлакатимизда биринчи бор ўтказилаётган Марказий Осиё республикалари болалар фольклор-этнографик фестивали пойтахтга ўзгача завқ бағишлади. Фестивалда Марказий Осиё республикаларида ўтказилган "Санъат байрами" кўриги голиблари иштирок



Ёш санъаткорлар фестивали

этишди.

1-июн — Халқаро Болаларни ҳимоя қилиш кuni тантаналари фестивал концертларига уланиб кетди. Шу кuni Тошкентдаги "Туркистон" саройида фестивалнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Кейинги икки кун давомида Душанбе, Ашгабат, Бишкек, Олмаотадан келган ёш санъаткорлар ўзбекистонлик ўқувчиларнинг ҳаёти билан яқиндан танишдилар. 21-болалар уйида меҳмон бўлдилар, бир қанча корхона ва муассасаларда

концертлар беришди. "Меҳржон" болалар боғида ҳақиқий байрамнинг гувоҳи бўлишди.

Марказий Осиё республикалари болалар фольклор-этнографик фестивал иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов табрик йўллади. "Биз, катта авлод вакиллари эса сизларни дўст-иноқ, бир-бирингизни севиб-ардоқлаб

намоиш этишди. 3 июн кuni фестивал ўз ишини якунлади.

Суратларда: 3. Наманган вилояти, Чуст туманидаги 15-мактабнинг "Бўстон" этнографик фольклор ансамбли аъзолари.

4. Душанбеда ташриф буюрган меҳмонлар — Болалар ва ўсмирлар саройининг "Машъал" дастури аъзоларидир.

1. Фестивалнинг энг ёш иштирокчиларидан бири — ургенчлик Бехзод Ҳакимов ва янгиариқлик Дилрабо Жуматова айтиб берган хоразмча қўшиқлар ҳаммани дол қолдирди.

2. Ашгабатдаги ўқувчилар саройининг "Қизил чиннигул" дастури аъзолари Семашко номидаги болалар клиникасидаги даволанувчилар билан дўстлашиб олишди.

Р. АЛЬБЕКОВ суратга туширган.





- Ёш усталар намоиши
- Ҳеч ким ишсиз қолмайди
- Голибликнинг боиси...

Ўтган ойнинг 26-28-кунлари пойтахтимизнинг сайлгоҳида бўлган кишининг бир олам завқи ва харидини бошқа пайтлардагига солиштириб бўлмайди. Ўша кунлар юртимизнинг барча вилоятларидан қўли гул усталар маҳсулотларини намоиш этди. Хорижлик бир санъатшунос бу мўъжизалардан хайратда, уни юртига, болаларига кўз-кўз қилиш, учун суратга олишдан бўшамасди. Бу жиҳозлар, ускуналарни дунёнинг бошқа мамлакатларида ясашолмайдими? Йўқ! Булар фақат туркистонликлар қўлидан келади мўъжизалар эди. Бундан-да кўнглини хурсанд қиладиган томони уларни ўсмирлар яшаган. Расталарда Хоразм гиламидан тортиб, Самарқанд хонтахталари-ю Сурхон воҳаси деҳқончилик иш қуроллари, Наманганнинг алвон шойи-ипак кийимлари кўзни олади. Баҳоси ҳам чайқовдагидан анча-мунча пастлиги билан ўзига қорлайди. Қисқаси, ўша кунлар бунда Халқ таълими вазирлиги хунар билим юртлари ишлаб-чиқариш маҳсулотлари 5 республика ярмаркаси бўлиб ўтди.

Сайлгоҳда республиканинг биргина хунар билим юртлари талабаларигина эмас, миллий хунармандчилигимизни астойдил ўрганаётган мактаб ўқувчилари ясаган асбоб-ускуналари, жиҳозлар ярмаркага қўйилди. Расталарни ораларканмиз, яна бир шуқу эртага ҳаётимиз яхши ва жозибдор бўлишига ишонччи мустаҳкамлайди. Шўро замонасида ҳам хунар-билим юртларида қанчадан-қанча ҳамюртларимиз касб-хунар ўрганиш учун ўқиди, бироқ уларнинг кўпи ўқишни тугаллагач, бирон-бир касб этагини тутолмасдан, кетмончи бўлиб қолаверди. Яна бир қисми эса зўрлаб билим юртларига "ҳайдаб келинганлигидан" шу касбни ўрганиш нарёкка турсин, ўрганишнинг аҳамиятини ҳам ерга уриб юборишди. Ахир "училишларга мактабдаги икки-чилар жўнатилади-да! Улардан бирон бир касб эгаси кутиб бўлармиди," деган гапларда ҳақиқат бор эди-да. Қарангки, нотўғри режалар билан билим олишга ноқобиллар, хунар ўрганишга "сурғун" қилинган. Бу хунар билим юртлари баракасиз, халқимизнинг миллий қизиқиши ва эҳтиёжи асосида кадрлар

тайёрламасдан, ҳам фойдасиз фаолият кўрсатишди. Масалан, қишлоқда керак бўлмайдиган мутахассисликларни қишлоқлик болаларга ҳам ўргатилаверарди. Расталарга боқиб эса бундан аллақачон воз кечилганлиги, дунёда хунармандчилиги билан ҳам донги кетган боболарга болалар издош бўлишга бел боғлаганини англаш мумкин.

Биз ярмаркада фаол иштирок этиб фахрли иккинчи ўринни қўлга киритган Навоё вилоятилик қўли гул хунарманд ўспиринларнинг устози, вилоят халқ таълими бошқармаси хунар-техника билим

шаҳар, ҳатто қишлоқлар шароити, эҳтиёжи ҳисобга олиниб, саноат, қишлоқ хўжалик чорвачилик ҳудудларимиз талаби ўрганилган ҳолда касблар тайёрланади.

— **Хунар-билим юртларининг устозлари учун энг муҳими нима?**

— Ўспириннинг қизиқишини англаш, унинг юрагига касбга нисбатан сўнмас ишқ оловини ёқиш.

— **Вақт ўтиб, бугун сизлар ўрганаётган касблар катта ҳаёт даволарида ярамай қолса нима бўлади?**

— Жуда ёмон. Бу вазият юз бермаслиги учун биз аждодларимизнинг тирикликнинг

"Хунарни асрабон неткумдир охир"

юртлари бўлими бошлиги ўринбосари Тоҳир Раҳмон ўгли ҚАХҲОРОВнинг суҳбатини олдик:

— **Тоҳир ака, вилоят билим-юртлари ўқув-ўргатув тартибида ҳозир нима ўзгарган, аниқроқ айта оласизми?**

— Бажонидил. Бир пайтлар вилоятда тайёрланадиган касб-хунарларнинг сони 4—5 тадан нарига ўтмасди. Уларнинг аксарияти ҳам кейинчалик на қишлоқда, на шаҳарда керак бўлмай қоларди. Энди ҳам ўшандай қилиб кўрайликчи, келади қишлоқда, жавобгарликни кимнинг бўйнига юклаймиз? Ҳозир хунар-техника билим юртларимизда касб-кор ўрганаётган болаларнинг 50 фоизидан кўпроги миллий хунармандчилик, қишлоқ хўжалиги, енгил саноат соҳаларида билим ва тажрибага эга бўладилар. Айниқса, бунда ҳар туман,

минг йиллардан буён юргизиб келаётган хунарларини болаларга ўргатмоқчи бўляпмиз. Бу касбларни биладиган усталари жуда кам қолганлигидан улар ўз уйларида бўлса ҳам ҳаваскорларга бу касб-корларини ўргатиш йўлларини излаяпмиз. Бу касбларни эгаллаганлар у билан кун бўйи ёки шугулланмасликлари мумкин. Масалан, бешиксозлик билан фикримни тушунтира қолай. Айтайлик, бир бола бу хунарнинг ҳадисини олиб, бошқа бир касб орқасидан муҳандис бўлиб кетди, дейлик. У барибир қорхонадаги бир хил ишдан зерикади ва ёки оилавий рўзгорини харжигача чиқимдор бўлганда ишдан кейин бемалол бешиксозлик қилиб ҳам тирикчиликнинг кам-кўстини тўлдириши мумкин. Бундан ташқари шундай шароитлар бўладикки, қаерда бўлмасин, бир

жамоада унинг ишсиз қолиш хавфи тугилиши мумкин. Шундай хунар эгаси ўзини йўқотмай, ҳаётнинг бўлмагур кўчаларига кириб кетмай, хунар ордидан бахт топиши шубҳасиз.

— **Тушундим, яна ярмарка борасида айрим нарсаларни сўрамоқчи эдим. Бунда асосан нималарни қилдингизлар, улар бўлак вилоятлик ўспиринлар ишидан фарқли томонлариям бўлдими?**

— Бунда ҳамма вилоят ўз диди ва эҳтиёжини, устакорлигини кўрсатди, десам адашмайман. Кўрғазмамизга қўйилиб, Зарафшон воҳасининг гўзал жилдолари, боболардан ёдгор — мустаҳкам деҳқончилик-темирчилик иш қуроллари келди. Нуроталик сангтарошлар ясаган обидаваш жиҳозларни эса ҳеч бир вилоят ишида учратмадим.

— **Вилоятнинг ташкил этилганига кўп бўлмаса-да унинг ярмаркадаги жами ишлари 2-ўринга муносиб топилибди, бу ниманинг эвазига бўлди?**

— Ростки биз ўрин учун ярмаркага қатнашмадик. Балки болаларимизнинг қўлларидан чиққан ишлар Тошкент бозорида қандай қадрланишини гувоҳи бўлдик, холос. Бизни болаларимиз бу ерга нимаики ясаб олиб келишмасин, унга эҳтиёжмандлар кўп экан. Бу маҳсулотлар харидорлигидан 2 куннинг ичида 181 миллион сўм купон миқдоридан савдо қилдик. Айниқса, ярмаркага иштирок этган 12 билим юрти ва бошқа таълим муассасаларидан 1, 2, 3, 4, 7-хунар билим юртлари ва вилоят болалар ва ўсмирлар ижодиёт маркази аъзоларининг ишлари яхши баҳоланди, шахсан Кармана шаҳридаги 1-хунар билим юрти талабаси Назокат Нарзуллаева тиккан заркалапўшлар, Навоий тумани, Беруний номидаги мактаб ўқувчиси Эркин Содиқовнинг дурадгорлик маҳсулотлари, шу туман, Нодира номидаги мактаб ўқувчиси Дилором Мўминованинг тиккан бежирим кийимлари арзон ва тўқислиги билан кўпчиликнинг эътиборини тортди ва ерда қолмади. Бирок айрим вилоятларни кузатганимизда иши ўртамиёна-ю, баҳоси осмонда бўлган матоҳларни учратиб, ўзим ҳам ўйланиб қолдим, ахир бу нарсаларни шоғирдларидан олиб, бунда намоиш қиладиган устозларнинг мақсади нима?...

В. ФАЙЗУЛЛАЕВ.



Зухра МАМАДАЛИЕВА

Тож маҳал

Ўтди неча Шоҳи Жаҳон, Акбарлар
Кўҳи нурдайн олмослар-у лаъллар
Ўтди неча гўзал Мумтоз маҳаллар
Ҳеч кимсага эгмай бўйин, ҳар сафар
Мағрур турар мангу хаёл Тож Маҳал.
Ўтдилар кўп жоҳил, одил подшолар
Хиёнатлар босқинлару жафолар
Халқ бошидан турфа дарду балолар
Ёвузликка эгмас бўйин ҳар сафар
Мағрур турар мангу хаёл Тож Маҳал.
Туркийларнинг санъатининг камоли
Хиндуларнинг гул қўлининг жамоли
Шоҳ Жаҳоннинг муҳаббати тимсоли —
Ҳеч кимсага эгмай бўйин, ҳар сафар
Мағрур турар мангу хаёл Тож Маҳал.
Қудратида намоёндин келажак,
Неча йиллар ҳали обод туражак,
Неча минг халқ, авлодларни кўражак —
Ёвузликка эгмас бўйин ҳар сафар
Мағрур турар, мангу хаёл Тож Маҳал.

Орзу

[Рассом Рўзи Чориевга]

Қани энди рассом бўлсам,
Чизар эдим
Шу дарахнинг бутогини,
Баргларини,
Чизар эдим сариқ барг-ла
Ўралган шох
Устидаги мусичанинг
Патларини.

Нодира СОДИҚОВА

Н...га

Тун. Сокин ухлайди қишлоқ,
Далалар ухлайди, боғлар ухлайди.
Майсалар бошини силаб шаббода
Адирлар ухлайди, ухлайди ёбон.
Райҳон хидларидан тегирмон сармаст
Кундузги гичирлар унутдир, унут.
Ухлайди мунг ила ғамгин қабристон
Мурдалар руҳини ҳис этиб холос.
Сукунат. Ҳаммаси ухлайди сокин,
Ухлайди еру кўк бу она замин.
Мен эса ухламай барин кузатиб,
Шеър эзиб чиқаман...



Истеъдод

Жажжи мусаввир

Саиджон Қодиров бор-йўғи
12 ёшда. Чизган расмларини
томоша қилсангиз, Саиджоннинг
ёшига шубҳа билан қарашингиз
аниқ. Улар орасида эртақ
қаҳрамонлари, фусункор она
табиатнинг гўзал
манзаралари акс этган расмлари нафақат
тенгдошлари, балки катталарнинг ҳам эътиборини
жалб қилмоқда.

Саиджон фанларни аълога ўзлаштириш билан
бирга, ўз устида ҳам тинимсиз ишлайди. Устози
Рустамжон ака Расуловдан тасвирий санъат
сирларини қунт билан ўрганишга интилади.



Матлуба АШУРОВА,
Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз
шаҳридаги 13-мактаб болалар ва
ўсмирлар етакчиси.

"Ухлагим келяпти, ундай эмас ҳеч, ором олиб, тушга йўйгим келяпти" деб
куйлапти маъсум кўнгил. Лекин бу куй йўноқи эмас, сатрлар оҳангида
аллақандай синиқлик бор, синиқликки, маъсум кўнгилга озориш этишишдан.
Хўш, бу нима экан? Бир сўз билан айтганда бу дард! "Дардан улғаяди,
улғайса тоғлар". Аён, бу кўнгил маъсум эмас, балки дардли кўнгилдир.
Эҳтимолки, шу дард унинг кечмиш ва кўрмишида кўп нарсани ўзгартирар,
болалигида юлдузларга шивирлаб айтган "шоирлик" даъвосига етказар.
Чироқ шубҳасига парвона бўлиб, тунни тонгга улаётган кўнгилга
орзулар ижобатлигини тилаш билан чекланамиз.

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ БЎЛИМИ.



Шоди Отамуродов

Портфелнинг дегани

Ҳар кун эрталабгача
Шу алфозда ётаман.
Унинг баҳоси "икки",
Ғам-аламга ботаман.
Мактабдан келиб мени
Бир бурчакка ташлайди.
Дарсин қилмай мактабда
Яна бошини қашлайди.

Кўнғироқ

Дардан кейин қичқиргум
Овозимни бўрттириб.
Баъзиларга ёқмайман
Кўяманда куттириб.

Тонгда

Тонгда турсам гўзал ҳар ёқ,
Қувонаман жуда ҳам.
Ариқ оқар шалдир-шалдир
Тўхтамайди у бир дам.
Гуллар бўйини кўтарган,

Дилида йўқдир ғам.

Ҳар бир гўзал гунчага
Ғуж-ғуж кўнгандир шабнам.
Шундай гўзал манзарани,
Кўрмоқ бўлсанг бир талаб:
Эй, дўстгинам,

ўрнингдан тур,
Ҳар кун барвақт, эрталаб.

Ёмғир

Чексиз яшил далага
Ёғавергин эй, ёмғир.
Дехқонларнинг дилига
Яхши ният олиб кир.



ҚАНОТ ҚОҚАР "ЁШ ОҚҚУШ"

Саҳнага Мухсина Сатторова таклиф этилганда ҳамма бараварига қарсақ
чалиб юборди. Чунки қизалоқ анча вақтдан буён ўзининг санъати билан мактаб
жамоасининг диққатини тортиб келарди.

Мухсинанинг саҳнада ўзини эркин тутиши, оққуш мисол нафис қанот
қоқиши ўзига ҳам, унинг "парвозини" томоша қилаётганларга ҳам олам-олам
завқ беради.

Мухсинанинг рақс санъатига бўлган қизиқишини ота-оналари уйғотишган.
Онаси Фароғат опа санъатни севади. Шунинг учун ҳам қиздаги рақсга бўлган
қизиқишини сезиб қолди. Бора-бора бу қизиқиш ҳақиқий орзуга айланди.
Фароғат опа қиздаги орзунини руебга чиқариш учун қўлидан келган барча ишни
қилди. Синф раҳбари Норбуви Худойқулова ва мактаб бадий раҳбари Дил-
фуза Аҳмедова билан бирга ёш раққоса санъат сирларини ўргана бошлади. У
мактаб қошидаги "Чаман" дастасининг етув раққосаларидан бири бўлиб қолди.
Мана, бу йил тўртинчи йил кетаяптики, Мухсина дастанинг фаолларидан бири.
Мухсина ўтган йили ўтказилган "Санъат гунчалари" вилоят кўрик-танловида
фаол қатнашиб, фахрли ўринлардан бирини эгаллади. Форш туманида
ўтказилган халқ ўйинлари сайлида эса томошабинларнинг олқишига сазовор
бўлди.

Ҳозирги кунда Мухсина Арнасой туманидаги Н. Крупская номи 8-мактабда
таълим олади. Ёш раққоса санъат оламига кириб келиши билан бирга барча
фанлардан аъло баҳоларга ўқийди.

Мухсинанинг келажакдаги орзулари янада улкан — у яқинда туман бўйича
ўтказиладиган санъат байрамига қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Байрамга
"Кувнок қизлар" ва "Наргиз" рақсини тайёрлаб томошабинлар ҳукмига ҳавола
қилмоқчи.

Э. ЎРОҚОВ,
Жиззаз вилояти, Арнасой тумани.ХАТО ЁЗАДИГАН
РУЧКА

— Ручкангни бериб тур, — сўради
Камол синглисидан.
— Нега энди, ўзингизни
ручкангизда ёзаверинг.
— Йўк, у жуда кўп хато ёзаяпти.

КИМНИНГ АЙБИ?

— Уй вазифангни яна даданг
бажарибди-а, — сўради ўқитувчи
Алишердан норози оҳангда.
— Ахир ойим доим банд бўлсалар
нима қилай?..


ЎРГАНИБ ОЛИБДИ!

Укаеяни дўппослаб ураётган
боладан сўрашди:
— Аралашманглар, бу бемаза
мендан сўқишни ўрганиб олибди.



МАЪРУЗА

Мактаб йиғилишида маъруза
ўқишни "қойил" қилган бир ўқувчи,
мажлисдан сўнг керилиб сўради:
— Қалай маърузам еқдим?
— Ҳамманинг оғзи очилиб қолди.
— Қойил қолиб-а?!
— Йўт-э, эснашиб!



Қайси арқонни ким тортиши керак!

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Музаффар ПИРМАТОВ.



Тонг юлдузи

Таъсис этувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЕПЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ
ҚЎМИТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
"Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни»
номи билан чиқа бошлаган.

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг манзилгоҳ:
700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ-32 УЙ
Навр кўрсаткичи: 64563

Газета ҳафтанинг сешанба кuni чиқади.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г—1002. 14834 нусхада босилди. Ҳажми —1 босма табақ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—3.

Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.

1 2 3 4 5 6